



Qo'qon DPI

**ILMIY
XABARLAR**

ISSN: 3030-3958

№ 3/2025

Qo‘qon DPI.

Ilmiy xabarlar



Кокандский ГПИ.

Научный вестник

№3/2025

УЎК 5/9(08) КБК 72я5 Қ 99	Bosh muharrir: Qo'qon davlat pedagogika instituti rektori D.Sh.Xodjayeva Mas'ul muharrirlar: Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor N.S.Jurayev Xalqaro hamkorlik bo'yicha prorektor N.A.Kadirova Mas'ul muharrir yordamchisi: Ilmiy-tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy pedagogik kadrlar tayyorlash bo'limi boshlig'i D.O'rinboyev Nashr uchun mas'ul: M.Z.Muydinov
MUASSIS: Qo'qon davlat pedagogika instituti Qo'qon DPI. ILMIY XABARLAR- НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. Кокандский ГПИ. Jurnal bir yilda o'n ikki marta chop etiladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiya agentligida 2020-yil 9-iyulda 1085 raqam bilan ro'yxatga olingan. Jumaldan maqola ko'chirib bosilganda, manba ko'rsatilishi shart. "Qo'qon DPI. Ilmiy xabarlar" ilmiy jurnali OAK Rayosatining 2021-yil 31- martdagi qarori bilan OAK ilmiy nashrlar ro'yxatiga kimyo, biologiya, filologiya, tarix, 2023-yil 5-maydagi №337/6 sonli Rayosat qarori bilan Pedagogika hamda 2024-yil 8-maydagi 5/7-sonli OAK tartib qoida komissiyasi qarori bilan Jismoniy madaniyat, psixologiya va san'atshunoslikfan tarmoqlari bo'yicha milliy nashrlar sifatida kiritilgan. Tahririyat manzili: 150700, Qo'qon shahar, Turon ko'chasi, 23-uy. Tel.: (0373) 542-38-38. Сайт: www.kspi.uz journal.kspi.uz ISBN: 978-9943-7182-7-2 "CLASSIC" nashriyoti 2025	TABIIY FANLAR И.И.Гибадуллина, кандидат биологических наук, (РФ) Sh.S.Nomozov, texnika fanlari doktori, professor, akademik (O'ZB) V.U.Xo'jayev, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) I.R.Asqarov, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) A.A.Ibragimov, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) S.F.Aripova, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) Sh.V.Abdullayev, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) B.Yo.Abduganiyev, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) A.E.Kuchboyev, biologiya fanlari doktori, professor (O'ZB) M.T.Isog'aliyev, biologiya fanlari doktori, professor (O'ZB) V.Yu.Isaqov, biologiya fanlari doktori, professor (O'ZB) T.O.Turginov, biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB) A.M.Gapparov, kimyo fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB) I.I.Oxunov, kimyo fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) (O'ZB) A.Jh.Xusanov-fizika-matematika fanlari nomzodi, docent (O'ZB) O.A.Turdiboyev, biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB) G'M.Ochilov, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) B.No'monov, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB) M.Madumarov, biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB) FILOLOGIYA FANLAR Huseyin Baydemir filologiya fanlari doktori, professor, (TR) И.А.Киселёва, доктор филологических наук, профессор (РФ) В.В.Борисова, доктор филологических наук, профессор (РФ) К.А.Потапова, кандидат филологических наук, доцент (РФ) Э.Р.Ибрагимова, кандидат филологических наук, доцент (РФ) S.Muhamedova, filologiya fanlari doktori, professor (O'ZB) G.Israilov, filologiya fanlari nomzodi, dotsent (O'ZB) IJTIMOIIY FANLAR Л.Г.Насырова, кандидат исторических наук, доцент (РФ) З.В.Галлямова, кандидат исторических наук, доцент (РФ) D.N.Abdullayev, tarix fanlari doktori (DSc), dotsent (O'ZB) M.Rahimov, tarix fanlari doktori (DSc), dotsent (O'ZB) PEDAGOGIKA FANLAR Р.Ф.Ахтариева, кандидат педагогических наук, доцент (РФ) Н.Н.Масленникова, кандидат педагогических наук, доцент (РФ) Л.А.Максимова, кандидат педагогических наук, доцент (РФ) X.I.Ibragimov, pedagogika fanlari doktori, professor, akademik (O'ZB) B.X.Xodjayev, pedagogika fanlari doktori, professor (O'ZB) B.S.Abdullayeva, pedagogika fanlari doktori, professor (O'ZB) N.A.Muslimov, pedagogika fanlari doktori, professor (O'ZB) N.M.Egamberdiyeva, pedagogika fanlari doktori, professor (O'ZB)

QO'QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI

(2025-yil 3-son)



PEDAGOGIKA

PEDAGOGY

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ, ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР ВА АХБОРОТЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ.

Гаффоров Яраш Холлиевич

Чирчиқ Давлат педагогика университети тарих фанлари номзоди, профессор
gaffarov_@mail.ru +998 90 986-86-14 Телеграм +998 97 137-97-79

Аннотация: Мақолада ўқитиш методларини замонавийлаштиришнинг методологик асослари, хилма-хиллиги ва ривожланиш назарияси ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек таълим жараёнини ахборотлаштириш, технологиялаштириш ҳамда инновациялар бўйича фикрлар билдирилган. Энг асосий мақолада ҳозирги замон ахборот технологияларининг кенг имкониятлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: технологик жараён, интеграция, инновация, глобал, портатив, моделлаштириш, стратегия, коммуникация, мультимедие, ахборот техникаси, тамойил, классификация, бирикма, объектив, оптимал. **Резюме:** В статье представлена информация о методологических основах, многообразии и теории развития модернизации методов обучения. Также были высказаны мнения об информатизации, технологизации и инновациях образовательного процесса. В самой основной статье анализируются широкие возможности современных информационных технологий.

Ключевые слова: технологический процесс, интеграция, инновация, глобальный, портативный, моделирование, стратегия, коммуникация, мультимедиа, информационные технологии, принцип, классификация, сочетание, цель, оптимальный.

Abstract: The article provides information on the methodological foundations, diversity and development theory of the modernization of teaching methods. Opinions were also expressed on informatization, technologization and innovation of the educational process. The most basic article analyzes the wide possibilities of modern information technology.

Key words: technological process, integration, innovation, global, portable, modeling, strategy, communication, multimedia, information technology, principle, classification, combination, goal, optimal.

КИРИШ.

Ҳозирги замон ахборот ва компьютер технологияларининг имкониятлари, глобал интернет тармоғининг пайдо бўлиши ва инсониятнинг кўп қиррали фаолиятига кириб бориши муносабати билан янада кескин ортиб кетди. XXI асрда, таълимда рўй бераётган универсаллик, шунингдек, турли регионлар ва ўқув муассасаларида кечаётган

таълимнинг глобаллашуви ва ривожланиши билан глобал интернет тармоғининг кескин ривожланиши имкониятларидан фойдаланиш очик таълим тизимини вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир” номли асарида “Ахборот-коммуникация технологиялари, математика, физика, кимё, саноат, менежмент - буларнинг ҳаммаси керак, албатта. Лекин, авваламбор тарихни билиш - бу ҳаётини зарурат. Ҳаётни билиш, биз қайси асрда яшаётганимизни англаш - бу ҳаммамизнинг бурчимиз. Яъни, ҳаётдан оёғи узилган, реал воқеликдан узоқлашган одам ҳеч қачон ўз мақсадларига эриша олмайди¹⁵⁷ - дейилгани айти ҳақиқатдир.

Фан-техника, янги педагогик технология, инновацион жараёнлар ва ахборот технологиялари кун сайин ошиб бораётган ҳозирги шароитда ўқувчиларда умумий ўқиш кўникмаси ва малакаларини мустақил эгаллашини илгаригига қараганда анча яхшироқ таркиб топтирадиган ўқитиш методларини топиш керак. Шунинг учун ҳам мактаб ислоҳатининг асосий йўналишларида ўқувчиларда китоб ва бошқа билим манбалари билан ишлаш кўникмасини таркиб топтиришнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилади.¹⁵⁸

Замонавий методлар ёки интерфаол усуллар, ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглари ўқувчи талабаларда мантикий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардор, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Интерфаоллик даражаси қанчалик юқори бўлса, таълим жараёни ҳам шунчалик самарали бўлади. Интерфаол методларни танлаш мезони – уларнинг *таълим ва тарбия, ривожлантириш масалаларини ечишга юқори йўналганлигидир*. Бу мезон турли хил методларни у ёки бу доирадаги вазифаларни ечиш имкониятларини баҳолаш йўли билан жорий этилади, чунки ижтимоий тажриба элементларини ўзлаштиришда уларнинг имкониятлари турличадир.

Ўқитиш методларини янгиллаб туриш методологик умумий тан олинган жараён ҳисобланади. Бу жараён методларининг қотиб қолган кўрсатмасини қабул қилмайди. Лекин бу методлар вақт ўтиши билан эскирмайди, иккинчи қаторга ўтмайди, деган маънони билдирмайди. Шундай бўлиши ҳам муқаррарликдан холи эмас, чунки ўқитиш вазифалари янгиланиб туради, уларни илгари методлар билан ҳал қилиш мумкин бўлмай қолади. Масалан, матнни маъносини тушунмай ёдлайверишдек қотиб қолиш (догматик) ҳолат айти кунда мақбул бўлмай қолди.

Ўқитиш методлари дарс бериш методлари билан ўргатиш методларининг бирлигини тақозо этади ва шу маънода улар ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўзаро боғлиқ

¹⁵⁷ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир / - Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2015. - 110 бет.

¹⁵⁸ Ю.К.Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т. “Ўқитувчи”, 1990, 4-бет.

фаолиятларининг усуллари хисобланади. Дарс бериш методлари ўргатиш методларини, ўқиш-билиш фаолиятининг жараёнини фаоллаштиришга йўлланиб, уни кучайтиради. Дарс бериш методлари ўргатиш методларини, ўқиш-билиш фаолиятининг жараёнини фаоллаштиришга йўлланиб, уни кучайтиради. Шундай қилиб, дарс бериш, ўқитиш ва билим методларининг муайян хусусиятлари мавжуд экан. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам, умуман билиш методларининг тури сифатида ўқув фаолияти методларининг принципиал моҳиятини ўзгартирмайди.

Методика ўқитиш муқаррар равишда тўлиб, бойиб бориши тўғрисидаги тасаввурларга таянади. Бунга унинг методологияси, билимнинг узлуксизлиги, билиш усуллариининг ривожланиши мажбур этади. Ўқитиш методларини такомиллаштира бориб, методик ҳаёлпарасликдан, сунъий ва етарлича текширилмаган методларини тарғиб қилишдан қочиш жуда муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАРИ.

Ўқитиш методларининг методологик асослари тўхтовсиз ривожланиб келмоқда. Бунга А.Н.Алексюк, В.И.Загвязинский, И.Д.Зверев, М.И.Махмутов, С.Г.Шаповаленко, М.М.Левина, В.Ф.Паламарчук, В.И.Паламарчук, Н.А.Шермухамедова ва бошқаларнинг ишлари айнқса муҳим ҳисса қўшмоқда.¹

Ўқитиш методларининг муаммолари 1978 йил (Ленинградда) махсус уюштирилган Бутуниттифок конференцияси кенг муҳокама қилинган эди. Бу конференция ўқитиш методлари назариясини ишлаб чиқишда методистларнинг куч-ғайратини бирлаштиришга имкон берди. Унда ўқитиш методларини таърифлашга амалий ёндошиш янада ривожланди ва бу фалсафий адабиётда ўзининг кенг ифодасини топди.

Ҳозирги вақтда кўпчилик педагоглар методларни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги комплекс вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ўзаро боғланган фаолият усуллари сифатида баҳолайдилар. Ўқитиш методлари аслида рағбатлантириш ва асослар келтиришнинг анча аниқ усулларида, ҳаракатларни ташкил қилиш ва алоҳида амалга ошириш, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усулларида ташкил топади.

Ўқитиш методикаси ва дидактикада ўқув жараёнининг барча таркибий қисмлари ўзаро қонуний боғланганлиги аниқланган. Мақсад, қонун сингари, ўқитишнинг мазмунини ва методларини белгилайди. Методлар эса ўқув жараёнини ташкил қилишнинг воситалари ва формаларини танлашни белгилайди. Ўқитишнинг барча таркибий қисмларининг ўзаро боғланган бирлиги ўқитишнинг маълум натижаларини таъминлайди.

Ўқитиш қонуниятларидан уни самарали ташкил этишга нисбатан муайян муҳим талаблар келиб чиқадики, буни ўқитиш принциплари (тамойил) деб атайдилар. Ўқитиш принципларини билиш ўқитишнинг зарур методларини янада ишончлироқ танлашга имкон беради.

¹ Ю.К.Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т. "Ўқитувчи" 1990й, 13-15 бетлар.

Дидактикада ўқитишнинг қуйидаги тамойиллари: ўқитишнинг таълим-тарбия ва ривожлантириш вазифаларини ҳар томонлама ҳал қилишга қаратилганлиги, ўқитишнинг илмийлиги, тизимлилиги, тушунарлилиги, унинг ҳаёт билан алоқаси, кўргазмалилиги, ўқитиш методикаси, услуби ва воситаларнинг оқилона бирикуви, ўқувчиларнинг онглилиги ҳамда фаоллиги, натижаларининг мустаҳкамлиги кабиларга амал қилади.

Дастлаб адабиётларда инновация истиқодий тадқиқотлар тизимида ўрганилган. Вақт ўтиши билан инновацион ўзгаришлар жамият ҳаёти фаолиятининг ҳамма соҳаларида сифат кўрсаткичларини баҳолашда қўлланилади. Шу боис бу инновациялар фақатгина иқтисодиётда қўлланилиши ҳақидаги фикр нотўғри эканлиги асосланди. Илмий тадқиқот фаолиятида инновацияларнинг жорий қилиниши замонавий ютуқлардан фойдаланишга кенг имконият яратади. Илмий тадқиқот фаолиятига инновацион ёндашув янги кашфиётлар мазмуни, таркиби ва таснифини текшириш, натижаларини таҳлил қилиш имконини беради.¹

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА.

Фан ва техниканинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларини ахборотлаштиришга асос яратди. Мамлакатнинг иқтисодиётдаги, инсонлар ҳаёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ахборот-технологик ривожланишнинг ҳолатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ривожланишига боғлиқ.

Ҳозирги жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг асосий йўналишларидан бири таълимни ахборотлаштиришдир.

Таълимни ахборотлаштириш - кенг маънода таълим соҳасини методология, ўқитиш мақсадларининг психологик-педагогик тадбигига йуналтирилган янги ахборот технологиялари воситаларидан самарали фойдаланиш ва яратиш (кайта ишлаш) амалиёти билан таъминлаш сифатида қаралади. Бундан ташқари, ахборотлаштириш масофали ўқитиш тизимининг тараққиёти учун база бўлиб хизмат қилади. Ахборотлаштириш жараёнида таълим тизимида янги ахборот технологиялари воситаларидан кенг қўламда фойдаланиш амалга оширилади.

Таълимни ахборотлаштириш, биринчи навбатда қўйидагиларни назарда тутати:

компьютер техникаси, ахборот ва коммуникация технологияларнинг замонавий воситаларини тизимли ўрганиш, ташкил этиш ва фойдаланишни;

талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, ўқув ва методик таъминлашни;

ўқитувчилар томонидан зарурий ўқув-методик таъминотни яратиш бўйича ишларни;

ахборот технологияларини самарали қўлланилишидан вужудга келаётган янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

¹ Н.А.Шермухамедова. Илмий-тадқиқот методологияси. Т. "Фан ва технология" наш, 2014 йил, 174-175бетлар.

Ахборотлаштиришнинг ягона тизими ўз олдига таълимнинг кенг доирадаги ҳамда мутахассисликка доир яратилган дастурини ўзлаштириш орқали мустаҳкам фундаментал билимга эга бўлган ва уларни ўз фаолиятида қўллай оладиган кадрлар тайёрлаш мақсадини кўяди.

Ахборотлаштиришнинг мақсади масофали ўқитиш тамойилларининг самарали тадбиридан иборат.

Ҳозирги замон фанининг ривожланиши, хусусан, илмий-тадқиқот усуллари ва воситалари муттасил мураккаблашиб боришида намоён бўладиги, бу ахборот техникасини қўллашни тақозо этади.

Ахборот технологияси – бу ахборотни танлаш, жамғариш, таҳлил қилиш ва фойдаланувчига етказиб беришга йўналтирилган ҳисоблаш техникаси, электр алоқа, информатика имкониятларининг уйғунлигидир. Ишлаб чиқариш жараёни замирида ётувчи ҳар қандай технологияни таърифлашда ишлов бериш предмети, усул ва методларини, ишлаб чиқариш қуролларини, ишлаб чиқариш усуллариининг тавсифини ажратиш мумкин. Технология жараён сифатида тартибга солинган ва ташкил этилган бўлади. Аммо анъанавий технологиялар моддий-энергетик омилларга таянса, ахборот технологияси ахборотга асосланади. Ахборот технологиясининг негизини моддий эмас, балки идеал омиллар ташкил этади. Ахборот технологияси ахборотнинг айланиши ва унга ишлов бериш жараёнлари мажмуи, шунингдек, бу жараёнларни тавсифлаш деб таърифланади. Ахборот маълумотларга ишлов бериш ва айланиш объектлари ҳисобланади. Ахборотга ишлов бериш жараёнларининг технологик маршрутлари ва сценарийларини тавсифлашнинг таркибий қисмларини яратиш мумкин. Шу боис ахборот технологияси тушунчаси икки хил назарий ва амалий нуктаи-назардан талқин қилинади. “Назарий нуктаи-назардан ахборот технологияси илмий-техник фан бўлиб, унинг доирасида ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муаммолари тадқиқ қилинади. Амалий нуктаи-назардан ахборот технологияси ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнлари мажмуи, муайян соҳага боғлиқ бўлган ва замонавий техник-иқтисодий воситаларда амалга оширилган мана шу жараёнларнинг тавсифидир”¹

Ҳозирги замон ахборот технологияси ўтмишнинг телеграф, телефон, радио, телевидение сингари техник ютуқлардан фойдаланади. Илмий-техник тажрибадан келиб чиқиб ахборотни машина ўқийдиган ташувчиларда жамғариш воситалари яратилди. Бундай воситалар вақт ва маконда бирон-бир чеклашларсиз ахборотни ер қуррасининг исталган нуктасига етказишни таъминлайди. Ниҳоят, белгиланган алгоритмлар бўйича компьютерлар ёрдамида ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилди.

¹ Мамфорд Л. Миф машинк. Техника и развитив челевечества. М.: Логос, 2001, С.58.

Дунёда ахборотлашган жамият ривожланишининг назарий асосларини XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларнинг бошида ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги янги концепцияларда ижтимоий тараққиётнинг асосий омили ишлаб чиқариш ва ахборотлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. З.Бжезинский, Д.Белл, Э.Тоффлер² жамият тараққиёти “босқичлар алмашинуви” сифатида ўрганар эканлар, ахборотлашган постиндустриал жамият тараққиётини, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа иқтисодий хизмат соҳаларидан кейин келувчи “Тўртинчи” иқтисод ахборотлашган секторининг устуворлиги билан боғлайдилар. Улар индустриал жамиятнинг асоси-капитал ва меҳнат ўз ўрнини ахборотлашган жамиятда ахборот ва билимга боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Бошқа баъзи назарийчилардан фаркли ўлароқ бу олимлар инқилобни ижтимоий-сиёсий ҳаракат натижаси сифатида эмас, балки жамиятини нг синфий тузилишини ижтимоий нодифференциал “ахборотлашган жамоа” билан алмаштирувчи “ахборотли портлаш”ида кўрадилар.¹

Янги технология ва техникани ўзлаштириш ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита боғлиқ. Улар одамлар ижод қилиши ва ташаббус кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиши лозим. Ахборот технологияси ёрдамида илмий билимлар формаллаштирилади ва айна вақтда маълумотларни ифодалашнинг кўргазмали шакллари (чизмалар, графиклар)дан фойдаланилади.

Айни пайтда таълимда замонавий ахборот технологияларини ривожланаётган йўналишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Улар:

1. Ўқув мақсадларидаги дастурий воситаларнинг имкониятларини ўқитиш воситаси, ўрганиш асоси ва ахборотларни қайта ишлаш воситаси сифатида жорий этиш.

2. Ўқув-методик мажмуалар яратишда, ўқув-намоиш асбоблари ва компьютер воситалари имкониятлариниш интеграцияси.

3. Мультимедиа тизимларини яратишда, компьютерлар ва аудио-видео ахборотларни узатиш воситалари имкониятларининг интеграциясига эришиш. Мультимедиа тизимларидан фойдаланиш, фаол ўқитиш методлари ва шакллари жорий этишни таъминлайди, ахборотларнинг қабул қилиниш даражасини оширади.² Замонавий ахборот технологияларининг таълим тизимида жорий -этилиш таҳлили уларнинг:

- ўқувчига дунёвий билимларни эгаллашига;
- ўқув фаолиятини ташқил этишнинг хилма-хиллиги ҳисобига ўқувчининг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;

² Бжезинский Э. Великая шахматная доска. –М.: Международные отношения, 1998. С.–254.; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. –М.: Академия, 1999.–95с.; Тоффлер Э. Шок будущего–М.: АСТ, 2001. 560с.; Тоффлер Э. Третья волна–М.: АСТ, 1999,–784с.

¹ Баталов Э. О книге Э.Тоффлера “Третья волна” –М.: 1998 С.85.

² Н.А.Шермухамедова. Илмий-тадқиқот методологияси. Т. “Фан ва технология” наш, 2014 йил, 403–407 бетлар.

- интерфаол мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқиш
- жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;
- ўрганилаётган жараён ва ходисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, ўқувчиларда қизиқишни ва фаолликни ошириш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди.

Янги педагогик ва ахборот технологияларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас, чунки янги педагогик технологияларнинг кенг жорий этилиши таълим парадигмасини ўзгартиради ва факат замонавий ахборот технологияларигина янги педагогик технологияларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Хуллас, янги технология ва техникани ўзлаштириш ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита боғлиқ. Улар одамлар ижод қилиши ва ташаббус кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиши лозим. Ахборот технологияси ёрдамида илмий билимлар формаллаштирилади ва айна вақтда маълумотларни ифодалашнинг кўргазмали шакллари (чизмалар, графиклар)дан фойдаланилади.

Ҳозирги даврда Республикамизда илмий тадқиқот фаолиятининг ривожланиш ҳолати ва ундаги структуравий ўзгаришлар инновацион фаолият билан ҳамбарчас боғлиқ. Айниқса, фаннинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига янгилик киритишда инновацияларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Бу ҳар йил ўтказилаётган инновацион ғоя ва технологиялар ярмаркасида иштирок этаётган ишланмалар тадқиқотида ўз ифодасини топмокда. Шу босидан ҳам мамлакатимизда фан, техника таракқиётини таъминлаш мақсадида инновацион муҳитни шакллантириш ҳамда доимий равишда эвристик фаолиятни рағбатлантириб бориш муҳимдир.

Инновация деб янги илмий техник ютуқлардан самарали фойдаланишга айтилади. Бу ҳолатнинг илмий-ижодий фаолиятдаги муҳитга мувофиқлаштириш, унинг самарасини ошириш республикамиздаги фан имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга катта ёрдам беради. Бу жараёнда асосий эътибор ёш авлоднинг энг рационал фаолиятига қаратилган. Чунки инновацион ғоялар жамият таракқиёти учун жуда кучли самара беради. Бундай ғояларни ривожлантиришда новаторликнинг ўрни катта. Чунки айнан новаторлик асосида илмий-ижодий фаолият олиб боришнинг янги типик кўринишини шакллантириш мумкин. Бу ҳолат янги ғоя, назария ёки парадигмада бирор хил янгилик устувор бўлганда содир бўлади. Ўз илмий янгиликлари асосида новаторлик шу пайтгача мавжуд бўлган назарияларни тубдан ўзгартириб юборади ва асосий вазифаси эса бундай янги ғояларни амалий ҳаётга табиқ этишдан иборат бўлади. Бунда, у энг аввало, ўз ихтиролари ёки янги ғояларни амалга ошириш учун барча тўсиқларни енгиб ўтишга ҳаракат қилади. Иккинчидан, ўзи фанга олиб кирган янгиликлардан бошқа олимлар ҳам фойдаланишлари учун имкон яратади. Учинчидан, самарасиз илмий ғоялардан воз кечишга ундайди. Туртинчидан, инновацион ғоялар ва шу кунгача мавжуд бўлган конструктив ғоялар билан мутаносиб ривожланиши мумкинлигига ундайди.

ХУЛОСА.

Ўқитиш методларни таърифлашда қуйидаги тамойиллар муҳим методологик ва назарий қоидаларга асос бўла олади дейиш мумкин:

1. Ўқитиш методлари ўқув жараёнининг ўзига хос шароитида объектив реалликни билиш методларининг ифодаси ҳисобланади, шунинг учун ҳам улар объектив-субъектив характерга эгадир.

2. Ўқитиш методлари ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш ва шулар билан боғлиқ бўлган мазмунни ўзлаштиришдек вазифаларни ечишда педагогик ҳамда таълим олувчиларни ўзаро боғловчи фаолиятларининг усуллари ҳисобланади.

3. Ўқитиш методлари ўқитишнинг моддий воситалари билан ўзаро узвий боғлангандир.

4. Ўқитиш методлари ўзаро боғланган фаолият усуллар сифатида фаолиятни амалга ошириш босқичининг ҳамма асосий таркибий қисмларини-мотивлаштиришни, ҳаракат ва маълумотларни уюштиришни, натижаларни назорат остига олиш ва таҳлил қилишни акс эттириши керак. Фаолиятнинг айтиб ўтилган таркибий қисмларидан ҳатто биттасининг бўлмаслиги ҳам мақсадларга оптимал тарзда эришишга имкон бермайди.

5. Инсон фаолияти усуллариининг бойлиги ўқитиш методларининг бойишига ва битмас-туганмас бўлишига олиб келади.

6. Ўқитиш методларининг классификацияси бир нечта бўлиши мумкин, чунки классификациялашни амалга оширишга имкон берадиган асослар жуда кўп.

7. Ўқитиш методлари, ўз навбатида, ўқитишнинг аниқроқ усулларида таркиб топади.

8. Ўқитиш методларини ҳар хил асосларга кўра ажратиш мумкин экан, демак ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг реал усулини ҳам ҳар доим бир қатор ўқитиш методлари (оғзаки, муаммоли, дедуктив ва хоказо)нинг бирикмаси сифатида тассаввур этиш мумкин. Шу маънода ўқитиш методлари доимо муайян бирикмаларда қўлланади деб таъкидлаш тўла ўринлидир. Ўқитиш методларининг аниқ бирикмаси билан бир қатор алоҳида ўқитиш методларининг жамланмаси, сифат жиҳатдан ўзига хос бутунлик ҳисобланади.

Ҳар бир аниқ вазиятда методларнинг у ёки бу бирикмасида улардан бири, қайси таълим вазифаси асосий ҳисобланишига қараб, устунлик қилади. Мазкур вазифани шу вазиятда айниқса мувоффақиятли ҳал қилувчи метод-устунлик қилувчи, етакчи, тизим ҳосил қилувчи метод ҳисобланади.

Ўқитиш методларидан бири ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларидан бирини анча мувоффақиятлироқ, иккинчилари камроқ мувоффақиятли ва учинчилари бутунлай бўш ҳал қилади. Шу маънода муайян дидактик вазифани ҳал қилиш бўйича бир гуруҳнинг ўзига кирувчи ўқитиш методларининг самарадорлик даражасидаги ҳар хиллик

тўғрисида гапириш мумкин. Ўқитиш методларини танлаш тадбирининг объектив зарурлиги мана шундан келиб чиқади.¹


АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш - энг олий саодатдир / - Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2015. - 110 бет.
2. Ю. К. Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т. “Ўқитувчи”, 1990, 4-бет.
3. Ю. К. Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т. “Ўқитувчи” 1990й, 13-15 бетлар.
4. Н. А. Шермухамедова. Илмий-тадқиқот методологияси. Т. “Фан ва технология” наш, 2014 йил, 174-175 бетлар.
5. Мамфорд Л. Миф машинк. Техника и развитив челевечества. М.: Логос, 2001, С.58.
6. Бзежинский З. Великая шахматная доска. –М.: Международные отношения, 1998. С.-254.: Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. –М.: Академия, 1999.-95с.: Тоффлер Э. Шок будущего-М.: АСТ, 2001. 560с.: Тоффлер Э. Третья волна-М.: АСТ, 1999,-784с.
7. Баталов Э. О книге Э.Тоффлера “Третья волна” –М.: 1998 С.85.
8. Н. А. Шермухамедова. Илмий-тадқиқот методологияси. Т. “Фан ва технология” наш, 2014 йил, 403-407 бетлар.
9. Ю. К. Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабидап ўқитиш методлари. Т. “Ўқитувчи”, 1990, 25-26 бетлар.

¹ Ю. К. Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабидап ўқитиш методлари. Т. “Ўқитувчи”, 1990, 25-26 бетлар.

ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ ЧЕРЕЗ СОВРЕМЕННЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ <i>Сафоева Зебо Фархотовна</i>	1638
ОПТИМИЗАЦИЯ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОМУ ПЕРЕВОДУ НА ОСНОВЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ <i>Султонов Феруз Исматжонович</i>	1644
ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ, ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР ВА АХБОРОТЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ <i>Ғаффоров Яраш Холлиевич</i>	1653
ЗНАЧЕНИЕ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В ОБРАЗОВАНИИ <i>Мухайё Кутумбековна Тулаганова</i>	1662
СМЫСЛОВАЯ И ФОРМООБРАЗУЮЩАЯ КОНЦЕПЦИЯ СОЗДАНИЯ ТЕСТОВЫХ ЗАДАНИЙ ДЛЯ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКИХ ВУЗОВ <i>Хайдарова Шохиста Рустамовна</i>	1668
GLOBALLASHUV DAVRIDA G'OYAVIY TARG'IBOT VA G'OYAVIY TARBIYA O'RTASIDAGI ALOQALAR <i>Matchanova Barno Irkinovna</i>	1676
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ПОДГОТОВКА БУДУЩЕГО ИНЖЕНЕРА НА ОСНОВЕ ИНТЕРАКТИВНОГО МЕТОДА ОБУЧЕНИЯ МЕХАТРОНИКЕ И РОБОТОТЕХНИКЕ НА ОСНОВЕ ЗНАНИЙ ФИЗИКИ <i>Умарова Гулчехра Абитовна,</i>	1681

Qo‘qon DPI. Ilmiy xabarlar



Кокандский ГПИ. Научный вестник

“Qo‘qon DPI. Ilmiy xabarlar” ilmiy jurnali OAK Rayosatining 2021-yil 31-martdagi qarori bilan OAK ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kimyo, biologiya, filologiya, tarix hamda 2023-yil 5-maydagi №337/6 sonli Rayosat qarori bilan Pedagogika fan tarmoqlari bo‘yicha milliy nashrlar sifatida kiritilgan.

Maqolalarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma’lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.

Bosishga ruxsat etildi: 2025-y. Nashriyot bosma tabog‘i –16,375.

«Poligraf Super Servis» МЧЖ

150114, Farg‘ona viloyati, Farg‘ona shahar, Aviasozlar ko‘chasi 2 –uy

Elektron manzil: kspi_info@edu.uz

№3/2025